

ШАРТНОМА № 1

Урганч шаҳри

2022 йил 13 сентябр

Кейинги ўринларда Буортмачи деб аталувчи “Урганч ихтисослаштирилган маком санъати мактаб интернати” номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори А.Б.Атаджанов бир томондан ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи «PANDA BOLA» МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директори Т.Саидов иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталадиушбу Шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

- 1.1. Пулли хизмат кўрсатиш Шартномасига кўра Аутсорсер Буортмачининг топшириги бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида қайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буортмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб у тугагунига қадар ҳар куни мактаб интернат укувчиларини озиқ-овқат порцияларининг белгиланган меъёрлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган ҳолда Буортмачи билан келишилган таомномага мувофиқ тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати: 2022 йил «_13_» _ Сентябрдан 2022 йил «_31_» _ Декабргача.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йифма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буортмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига пул маблаглари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қўйидагиларга мажбур:

2.1.1. Таомни ва тайёр маҳсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, укувчилар учун таъминот меъёрларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларининг таом тайёрлаш ва овқатланишини ташкил этишга тааллуқли қисмларидаги талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.

2.1.2. Овқатланувчиларнинг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш.

2.1.3. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.4. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур Шартнома шартларига амал қиласдан, овқат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буортмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул бартараф этиш.

2.1.5. Таомни тайёрлаш жараёнига фақат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга рухсат этиш.

2.1.6. Ходимлар зиммасига Буортмачининг худудида одоб-ахлоқ қоидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя қилиш мажбуриятини юклаш.

2.1.7. Хизматларни бевосита кўрсатиш.

2.1.8. Хизматлар нархини оширгмаган ҳолда шахсий маблаглари ҳисобидан: солиқлар тўлаш;

белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш; озиқ-овқат маҳсулотларини савдо шохобчаларидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиши; совутувчи компрессорлар ва бошқа жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаш, қайта тўлдириш; ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур ҳолатда сақлаш ва жорий таъмирлаш.

2.1.9. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида изжара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Буортмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлар ва ошхона мебелини қабул қилиб олиш.

2.1.10. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Буортмачини бир ой олдин ёзма равища огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буортмачи шахсий таркибининг овқатланишини

узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.

2.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

2.2.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камидан бир марта Хизматлар ҳақини тўлаш.

2.2.2. Аутсорсерга укувчиларнинг овқатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида «ноль» ставкаси бўйича ошхоналарнинг жиҳозлари ва мебель анжомларини вақтингча фойдаланишга бериш.

2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирган ҳолда Аутсорсерга ошхоналарнинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебелини топшириш.

2.2.4. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.

2.3. Буюртмачи қўйидаги хуқуқларга эга:

2.3.1. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва сифатини исталган вақтда текшириш.

2.3.2. Буюртмачи Шартномани бажаришни рад этиши тўғрисидаги хабарномани олгунига қадар Аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг тўлаб, уз вақтда Шартномани бажаришдан бош тортиш.

III. Шартноманинг нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1 Мазкур шартнома буйича аутсорсер томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 170340000 (Бир юз етмиш миллион уч юз кирқ минг) сўмни ташкил этади. Шундан 170340000 сўм 100021860332177092300056001 шахсий газна хисобварафидан тўланади.

3.2. Аутсорсерга олдиндан 30 фоиз миқдоридаги тўлов 5 банк куни ичида ўтказилади.

3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича 70 фоиз миқдорида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб ойда бир марта амалга оширилади.

3.3.1. Овқатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи Аутсорсер етказиб берувчидан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархи (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлклари баённомаси билан расмийлаштирилган, баённомаларда кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотлари нархидан баланд бўлмаслиги керак) овқатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма 15 фоиз устама ҳаки миқдорига кўпайтирилади (яъни, умумий сумма аутсорсернинг 15 фоизлик устама ҳакига кўпайтирилади).

3.3.2. Овқатланувчиларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озиқ-овқат маҳсулотларининг тақсимотига) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ойда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда бажарилган ишларнинг йигма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва мактаб интернат директори томонидан имзоланади.

3.3.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.3.4. Мазкур Шартномага 1-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини ҳисоблаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошқа асосли ҳолатларда Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта қайта кўриб чиқилиши мумкин.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озодқилмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун

Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун судга берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг кисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгид бўлмас куч, яъни табиий офаатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар оқибати хисобланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга орқага сурилади

VII. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзgartириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳакиқий хисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажralмас кисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошка Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома икки томонлама имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

8.2. Шартнома муддати тугагандан сунг, томонлар келишган холда шартнома муддатини келгуси йилга узайтиришлари мумкин.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

“PANDA BOLA” МЧЖ

Манзили: Урганч ш. А.Баходирхон кучаси 180/1үй
Тел/факс: (+998 88) 091-09-09
х/р: 20 208 000 705 305 127 001
Банк: АТБ «Капиталбанк» Урганч
МФО: 01088
ИНН: 307822284
ОКЭД: 56100

«Буюртмачи»

Урганч ИМСМИ

Манзили: Урганч т. Мукумий кучा 1үй
ш х/р: 100021860332177092300056001

ИНН: 308155229

ОКЭД: 85520

Молия Вазирлиги Газиачилиги

Ягона Faz XР 23402000300100001010

Банк: Марказий банк Ташкент ш бosh ХКММ

МФО: 100014

ИНН: 201122919

М.ў.

Хукукшунос



Сайдов

Магчимов

(Ф.И.О.)



А. Б. Атаджанов

(Имзо)

SHARTNOMANING PROGNOZ SUMMASI Autsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'rsatish bo'yicha .13.09.2022 yil №1 sonli
shartnomaga ILOVA

T/r	Oylar	хизмат сони	буюртмачи нархи	таклиф нархи за ед.	15% НДС	сумма	итог сумма за каждый месяц	Jami QQS bilan
1.	Yanvar							
2.	Fevral							
3.	Mart							
4.	Aprel							
5.	May							
6.	Iyun							
7.	Iyul							
8.	Avgust							
9.	Sentyabr	3 450	13 057	13 000	0	13 000	44 850 000	44 850 000
10.	Oktyabr	3 750	13 542	13 500	0	13 500	50 625 000	50 625 000
11.	Noyabr	3 450	9 908	9 900	0	9 900	34 155 000	34 155 000
12.	Dekabr	3 450	11 832	11 800	0	11 800	40 710 000	40 710 000
Shartnomaning Jami summasi							170 340 000	170 340 000

“PANDA BOLA” МЧЖ

Манзили: Урганч ш. А.Баходирхон кучаси 180/1уй
Тел/факс: (+998 88) 091-09-09
х/р: 20 208 000 705 305 127 001
Банк: АТБ «Капиталбанко» Урганч
МФО: 01088
ИНН: 307822284
ОКЭД: 56100




Т.Сандов

Урганч ИМСМИ

Манзили: Урганч т. Мукумий куча 1уй
ш/р: 100021860332177092300056001
ИНН:308155229
ОКЭД:85520
Молия Вазирлиги Фазначилиги
Ягона Faz Xр 23402000300100001010
Банк: Марказий банк Ташкент ш баш XKMM
МФО : 00014 ИНН: 201122919



 А. Б. Атаджанов